
ТОШЛОҚДА РЕНОВАЦИЯ ДАСТУРИ АСОСИДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудида аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошлоқ туманида бугунги кунга қадар 6 та 5 қаватли 170 та хонадондан иборат уй-жойлар барпо этиляпти. Шунингдек, “Тошлоқ қурилиш ва таъмирлаш” МЧЖнинг ўзига тегишли ер майдонида 1 та 40 хонадонли уйнинг лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, Тошлоқ шаҳарчаси Шодлик маҳалласидаги А.Навоий кўчасида жойлашган 2 қаватли маънан эскирган турар жойлар ўрнида 5 та 7 қаватли 300 га яқин замонавий хонадонлар қуриш режалаштирилган. Бугунги кунда “Бек зиё инвес қурилиш” МЧЖ томонидан 7 қаватли уй-жойнинг қурилиши бошланди.

Вилоят ҳокими тумандаги ўрганишлари давомида Реновация дастури асосида барпо этиладиган турар жойларнинг қурилиш лойиҳаси билан танишди, аҳоли билан суҳбатлашди. Эски уйларда яшовчиларнинг манфаатига муҳим эътибор қаратилиши, қулай инфратузилма яратиш бўйича топшириқлар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-23 18:22:10